



ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШДА ЭКОЛОГИК СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ РОЛИ: ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Турабоев Камбарали Кодирович
ТДИУ Андижон факултети ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада яшил иқтисодиётга ўтишда экологик солиқ сиёсатининг ўрни ва унинг иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилинган. Германия, Франция ва Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатлар мисолида экологик солиқлар қандай ишлайди, уларнинг табиий хазиналарни муҳофаза қилиш, CO₂ эмиссияларини камайтириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини рағбатлантиришга қаратилган стратегиялари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: яшил иқтисодиёт, экологик солиқ сиёсатлари, қайта тикланувчи энергия, солиқ механизмлари, карбон солиғи, экологик имтиёзлар, энергия сиёсати, фискал рағбат.

Яшил иқтисодиётга ўтиш — бу атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ресурсларни тежаш ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган иқтисодий жараён. Бундай ўтишни амалга оширишда экологик солиқ сиёсатлари муҳим роль ўйнайди, чунки улар ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳаларида экологик самарадорликни ошириш, атроф-муҳитга зарарни камайтиришга ёрдам беради. Энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини рағбатлантириш ва CO₂ эмиссияларини камайтириш учун экологик солиқлар ва бошқа солиқ механизмлари мавжуд.

Яшил иқтисодиёт бугунги кунда нафақат экологик, балки макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш воситаси сифатида ҳам эътироф этилмоқда. Ўзбекистонда 2025 йилнинг "Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт йили" деб эълон қилиниши мазкур соҳадаги ислохотларга жиддий эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

2019—2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини амалга ошириш натижасида 2030 йилга бориб қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВтга ошириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 30 фоизидан кўпроғига етказиш белгилаб олинган.

Бу мақсадларга эришишда солиқ стимуллари ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Солиқ стимуллари — давлат томонидан маълум иқтисодий фаолият турларига нисбатан солиқ юкини енгиллаштириш орқали рағбатлантириш воситаларидир.

Қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида улар қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

- солиқ таътиллари бериш, яъни янги қайта тикланувчи энергия манбалари лойиҳалари учун фаолиятнинг дастлабки йилларида солиқдан озод этиш;
- технологик ускуналар учун тезкор амортизация ставкаси қўллаш;
- сармоя қилган маблағларнинг бир қисмини солиқ тўловидан ҳисобдан чиқариш;
- қайта тикланувчи энергия манбараини ускуналарини импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод этиш.

Жаҳонда экологик солиқ сиёсатлари турли хилдир. Кайси бир мамлакатлар экологияга оид солиқларни кўпроқ фаол ишлатса, айримлари экологик солиқларнинг самарадорлигини баҳолаш ва уларни такомиллаштириш йўлида иш олиб бормоқда. Германия, Франция ва Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатлар экологик солиқлар орқали яшил иқтисодиётга ўтишда катта тажрибага эга бўлиб, уларнинг солиқ сиёсатлари бошқа мамлакатлар учун намуна бўла олади.

Германия яшил иқтисодиётга ўтишда экологик солиқ механизмларини жорий қилишда энг илғор мамлакатлардан бири ҳисобланади. Унда асосий экологик солиқлар ва тизимлардан бири "Энергия солиғи" (Energy Tax) бўлиб, бу солиқ энергиянинг исроф бўлишини камайтириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллашни рағбатлантиради.

Германияда энергетика ресурслари (масалан, нефть, газ, кўмир) солиққа тортилади. Бу солиқлар фойдаланишда тўғридан-тўғри атмосферага чиқарилган CO₂ эмиссиялари билан боғлиқ. Ушбу солиқ экологик хавфни камайтириш учун ишлатилиб, ишлаб чиқарувчиларни ва истеъмолчиларни қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлатишга ундайди.

Германияда CO₂ эмиссияларини камайтиришга қаратилган солиқ механизмлари, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва транспорт соҳаларидаги эмиссияларни назорат қилиш учун махсус солиқлар мавжуд.

Xorij mamlakatlari bo'yicha amalga oshirilgan bibliografik tahlil asosida innovatsiyalar va innovatsion faoliyat sohasidagi nazariy qarashlar, metodologik ba'zilar va rivojlanish tendensiyalariga hissa qo'shgan xorijlik olimlar qatoriga, masalan, quyidagilarni kiritish mumkin: J. Madsen, R. Solow, P. Draker, N. Menkyu, Y. Shumpeter, Sh. Groh, J. Hauschildt, S. Salomo va S. Chepel. [5]

Германияда яшил технологиялар ва энергия самарадорлигини ошириш учун давлат томонидан субсидиялар ва солиқ имтиёзлари жорий этилган. Масалан, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилиш учун бевосита қўллаб-қувватловчи солиқ имтиёзлари мавжуд.

Францияда ҳам яшил иқтисодиётга ўтиш учун бир қатор солиқ механизмлари мавжуд. Франция экологик солиқ тизими жорий қилишда ривожланган мамлакатлар орасида етакчи ўрин тутади.

Францияда автомобиллар ва транспорт воситалари учун экологик солиқлар мавжуд. CO₂ эмиссияларига кўра солиқ ставкаси тўланади, бу эса автомобил ишлаб чиқарувчиларини ва истеъмолчиларни экологик тоза транспорт воситаларини танлашга рағбатлантиради.

Францияда уй-жойлар ва бошқа биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш учун субсидиялар ва солиқ имтиёзлари жорий қилинган. Масалан,

энергия самарадорлиги соҳасидаги инвестициялар учун солиқ имтиёзлари мавжуд. Бу дастурлар уй-жойлар ичида энергия тежашни рағбатлантиради.

Францияда халқаро миқёсда ёки ички бозорда экологик йўналишдаги солиқлар ҳам мавжуд. Масалан, «углерод солиғи» деб аталадиган глобал солиқ йўналишида бир қатор стратегиялар ишлатилмоқда.

Жанубий Корея яшил иқтисодиётга ўтишда инновацион ва технологик ёндашувларни қўллаган. Мамлакатдаги экологик солиқлар нафақат атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, балки иқтисодий самарадорликни оширишга ҳам қаратилган.

Жанубий Кореяда ҳаво ва сувнинг ифлосланишига қарши солиқлар мавжуд. Бу солиқлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва корхоналарни экологик тоза технологияларни ишлатишга рағбатлантиришга қаратилган.

Жанубий Кореяда қайта тикланувчи энергия манбаларини рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари мавжуд. Мамлакат жадал ҳолда қайта тикланувчи энергия манбаларига, хусусан, шамол ва қуёш энергиясига сармоя киритмоқда. Солиқ имтиёзлари янги энергия самарадорлиги технологияларига бўлган сармояларни рағбатлантиради.

Жанубий Кореядаги солиқ сиёсатлари эмиссияларнинг камайишига қаратилган. Мамлакатда ҳар бир ишлаб чиқарувчи ва энергетика компаниялари учун эмиссия солиқлари мавжуд. Бу ишлаб чиқаришдаги углерод оқимини камайтиришга ва ишлаб чиқаришдаги экологик таъсирни камайтиришга ёрдам беради.

Юқоридагиларда кўриш мумкинки, солиқ тизими — фақат даромад манбаи эмас, балки иқтисодий рағбат воситаси ҳамдир.

Халқаро тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, фискал сиёсат — тоза энергияни ривожлантиришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Мавжуд имтиёзларни кенгайтириш ва уларни барқарор тарзда қўллаш орқали давлат — хусусий шерикликни кучайтириш, энергия хавфсизлигини таъминлаш ва иқлим ўзгаришларини чеклашга катта ҳисса қўшиши мумкин.

Ўзбекистонда ҳам яшил иқтисодиётга ўтишда солиқ сиёсатини қайта кўриб чиқиш зарур. Бунинг учун мавжуд механизмлар нафақат янгиланиши, балки аниқ институционал мақсадларга мослаштирилиши шарт. Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, миллий шароитни инобатга олган ҳолда, карбон солиқлари, яшил имтиёзлар ва экосубсидиялар тизимини жорий этиш орқали экологик барқарорликка эришиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-436-сон қарори. <https://lex.uz/docs/6303230>

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 октябрдаги Миллий “яшил” иқтисодиёт таксономиясини тасдиқлаш тўғрисидаги 561-сон қарори <https://lex.uz/ru/docs/6644013>

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 сентябрдаги “Яшил” истеъмол кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини

қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 517-сон қарори
<https://www.lex.uz/ru/docs/6623323>

4. БМТнинг “Central Asia Green Economy Policies” ҳисоботи, 2023 йил.
<https://greencentralasia.org/> 8. International Energy Agency (IEA) ҳисоботи, 2023
йил. <https://www.iea.org/reports/world-energy-outlook-2023>.

5. То‘уحيёв, А. (2023). Agrobiznesni innovatsion rivojlantirish loyihalarini
moliyalashtirishning metodologik asoslari. Green Economy and Development, 1(11),
662440.